

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сұхбат аввалида Туркманистон Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимиз МДҲга самарали раислик қылгани ва Ҳамдўстлик саммитини муваффакиятли ўтказгани билан самимий табриклиди.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқизозли ҳолатлар кучайиши ва коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон Ҳамдўстликка раислик концепциясини тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташабbusларни амалга оширишга муваффақ бўлгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар икки мамлакат ўргасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Пандемия оқибатларига қарамай, савдо алоқалари ривожланмоқда, иқтисодиёт тармоқларида, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик чукурлашиб, гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни илгари суриш учун Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол мулоқотларни давом эттиришга, бунда икки халқ таниқли санъат ва фан арбобларининг кенг иштироқида мамлакатларимизда қўшма тадбир ва форумлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентининг Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида юқори даражадаги Ашхобод конференциясини ўтказиш ташабbusини қўллаб-қувватлади. Бўлажак тадбирда Ўзбекистон Республикасининг делегацияси иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди.

Сұхбат якунида Президентлар кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг қардош халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.